



PEDAGOGIK AKMEOLOGIYA

xalqaro ilmiy-metodik jurnal

2(2)
2022



MUNDARIJA

PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA	6
Омилхон ИСМАЙЛОВ, Александр ПОЛОННИКОВ, Мухиддин БАФАЕВ. Инновационно-ориентированное педагогическое образование Республики Узбекистан: стратегия и тактика развития	6
Shaxlo NURULLAYEVA. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini kasbiy moslashtirish mexanizmlari.....	12
Nargiza DILOVA, Kimyoxon RAJABOVA. O'zbekiston ta'limining jahon ta'limi bilan integratsiyalashuvida xalqaro baholash dasturlarini qo'llashning ahamiyati	19
Jetkerbay OTEPBERGENOV. Talabalarning murakkab o'quv materiallarini o'zlashtirishda chizma-tasviriy modellardan foydalanish mahorati.....	22
Shabon FARMONOVA. Boshlang'ich sinflarda ta'lim mazminini yangilash va ona tili o'qitishni ijodiy tashkil etish	26
Ne'mat SEVINCHOV, Maftuna HALIMOVA. Pedagogik o'lchovlarning tarkibiy qismlari va ularga qo'yiladigan talablar.....	32
Умида МУПТАЗАЕВА. Особенности развития учебно-исследовательских компетенций студентов высших образовательных учреждений в условиях кредитной системы.....	38
Ixtiyor XOLIQOV. Bo'lajak o'qituvchining asosiy kompetentligini rivojlantirish	43
Xasan SIDDIKOV. Oliy ta'limda tarbiyaviy jarayonlarni tashkil etishning innovatsion shakllari.....	46
Muattar ABDULLAXO'JAYEVA. Zamonaviy o'qituvchining pedagogik kompetentligini rivojlantirish.....	50
Perdexan SALIYEVA. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida uchraydigan ayrim muammolar va yechimlar	52
MAKTABGACHA VA BOSHLANG'ICH TA'LIM	55
Shuhrat NE'MATOV, Nargiza MIRYUSUPOVA. Malaka oshirish jarayonida maktabgacha ta'lim tashkiloti rahbarlarining kvalitologik kompetentligini shakllantirish imkoniyatlari	60
Асрор ҚОСИМОВ. Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш – долзарб педагогик муаммо сифатида	62
Maftuna MAMEDOVA. Maktabgacha ta'lim tashkilotida bola shaxsining rivojlanishida tarbiyaning roli.....	67
Dildora OMONOVA. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining kompetentsiyasini shakllantirish va rivojlantirish metodik muammo sifatida.....	70
Manzura KASIMOVA. Maktabgacha ta'limda jonli va jonsiz tabiat bilan tajriba o'tkazishda laboratoriya xonalarini tashkil etish	74
Gulzoda ERGASHEVA. Steam ta'lim texnologiyasi asosida maktabgacha yoshdagi bolalarga ta'lim-tarbiya berish imkoniyatlari.....	78
Азиза ХУСЕНОВА. Моделирование обучения родному языку путём проектирования образования	82
Шакаржон ҚЎЧҚОРОВА. Бошланғич синф ўқувчиларида таянч компетенцияларни шакллантириш долзарб методик муаммо сифатида	90
Дилшод ДАВРОНОВ. Бошланғич синф ўқиш дарсларида бадиий матн устида ишлашда адабий тушунчаларни шакллантиришнинг илмий-назарий асослари	95
Sobirjon ISMATOV. Boshlang'ich sinf o'qish darslarida matn ustida ishlash orqali nutq o'stirish metodikasi	100
FILOLOGIYA VA TILLARNI O'QITISH	105
Qahramon TO'XSANOV. "Masnaviyi ma'naviy"ning o'zbek adabiyotiga ta'siri.....	105
Mexriniso ABUZALOVA, Shahnoza ISLOMOVA. Tibbiyot tili va tibbiy matnlarning psixolingvistik xususiyatlari	111
Илона ИСПАЙЛОВА. Эффективность обучения медицинскому английскому языку при формировании коммуникативных навыков посредством аутентичных фильмов.....	117
Intizor JUMANIYOZOVA. Abdulla Oripov she'riyatida falsafiy-intellektuallik va ekspressivlikning ifodalanishi.....	124
ANIQ VA TABIIY FANLAR	127
Mirzohid DAMINOV, Sabohat HALIMOVA. O'zbekiston, Rossiya Federatsiyasi va Qozog'iston umumiy o'rta ta'lim maktablari 7-sinf fizika darsliklarining qiyosiy tahlili	127

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДОЛЗАРБ МЕТОДИК МУАММО СИФАТИДА

Мақолада компетентлилик ўқувчида таркиб топган шахсий сифатлар ва берилган соҳадаги фаолияти бўйича тўплаган минимал даражадаги билим, кўникма, малакалари ва амалий тажрибалари хусусида фикр юритилади. Хусусий компетенциялар билан таянч компетенциялар ўзаро фарқланади. Таянч компетенциялар ўқувчининг истиқболдаги ҳаётий-ижтимоий фаолияти модели ҳисобланади. Ўқувчилар муайян билим, кўникма, малака ва тажрибага эга бўлгач, ўзлари эгаллаган компетенцияларни фаолиятлари орқали татбиқ эта оладилар. Таянч компетенциялар кўпроқ ўқувчининг истиқболдаги ижтимоий фаолияти учун зарур ҳисобланади. Хусусий ўқув фани доирасида ўзлаштириладиган компетенциялар эса, асосан, ўқув ва истиқболдаги касбий фаолият самарадорлигини таъминлайди. Компетенциялар ҳар бир мамлакат халқининг турмуш тарзи, маданий, маънавий ҳаёти, анъаналаридан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

Калим сўзлар: компетенция, фаолият, ўқувчи, компетентлик, лойиҳалаш, ўқув дастури, ўқув материали, топшириқ.

Статья рассматривается о личностных качествах и минимальном уровне знаний, умений, навыков и практического опыта, накопленных студентом в данной области. Что касается частных компетенций, то базовые компетенции различаются между собой. Базовые компетенции - это модель жизнедеятельности студента в перспективе. Как только студенты овладеют определенными знаниями, навыками, квалификацией и опытом, они смогут применять приобретенные ими компетенции в своей деятельности. Базовые компетенции считаются более необходимыми для социальной деятельности студента в перспективе. Компетенции, которые осваиваются в рамках частной образовательной науки, обеспечивают, в принципе, эффективность профессиональной деятельности в обучении и перспектив. Компетенции формируются на основе образа жизни, культурной, духовной жизни, традиций народа каждой страны.

Ключевые слова: компетентность, деятельность, студент, компетентность, проектирование, учебный план, учебный материал, задание.

The article deals with personal qualities and the minimum level of knowledge, skills, skills and practical experience accumulated by a student in this field. As for private competencies, the basic competencies differ from each other. Basic competencies are a model of a student's life activity in the future. As soon as students acquire certain knowledge, skills, qualifications and experience, they will be able to apply the acquired competencies in their activities. Basic competencies are considered more necessary for the student's social activities in the future. Competencies that are mastered within the framework of private educational science provide, in principle, the effectiveness of professional activity in training and prospects. Competencies are formed on the basis of the lifestyle, cultural, spiritual life, traditions of the people of each country.

Keywords: competence, activity, student, competence, design, curriculum, study material, assignment.

Бугунги кунда таълимни компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш, ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантириш ва мунтазам тарзда ривожлантириб бориш педагогиканинг долзарб масалаларига кирди.

Компетенция – ўқувчиларнинг маълум соҳада самарали фаолият кўрсатишлари учун таълим тайёргарлигига олдиндан қўйилган ижтимоий талаб. Компетентлилик кўп қиррали бўлиб, унинг бир неча талқинлари мавжуд.

Компетентлилик ўқувчи томонидан тегишли компетенцияларга эга бўлишни англатади.

Ўқувчиларда шакллантириладиган компетенциялар креатив, яъни ижодий яратувчилик характериға эга бўлиб, уларни мунтазам фаолликка ундайди. Бундай компетенциялар сирасига коммуникатив, ахборотлар билан ишлаш, ўзини ўзи ривожлантириш, ижтимоий-эмотционал ва фуқаролик кабиларни киритиш мумкин. Ўқувчиларда компетенциялардан фойдаланиш

тажрибасини ҳосил қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмаларини компетенциявий ёндашув асосида лойиҳалаш, ўқитувчилар томонидан танланадиган иккиламчи лойиҳалар таркибига компетенцияларни ҳосил қилишга хизмат қиладиган ўқув материаллари, таълимий топшириқларни киритиш, рақамли дидактик воситаларни ишлаб чиқишга худди шу нуқтаи назардан ёндашиш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, баркамол шахсни тарбиялашга йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимида ўқитиладиган умумтаълим фанлари мазмунининг изчиллигини таъминлаш мақсадида таянч компетенциялар ҳамда ҳар бир ўқув фани мазмунидан келиб чиққан ҳолда фанга оид компетенциялар белгилаб берилди.

Бошланғич синф ўқувчиларида таянч ҳаётий компетенцияларни шакллантиришда умумий ва хусусий ёндашувларни аниқ ҳисобга олиш ва мавжуд методологик ёндашувларга таянган ҳолда мазкур ҳодисанинг назарий-дидактик асосларини ишлаб чиқиш педагогика фани олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Сўнгги йилларда компетентли ёндашув тушунчаси педагогикада кенг қўлланилмоқда. Таълим амалиётида тез-тез қўлланилаётган ушбу атама таълим мазмунини устувор ўрин эгалламоқда. Компетентли ёндашув таянч тушунча сифатида замонавий педагогиканинг илмий тушунчалари таркибига сингиш босқичларини ўтамоқда. Мазкур тушунчанинг ўзига хос жиҳати унинг педагогика фанида эскириб қолган тушунчалар билан ўзаро қийинлашгани тақозо қилишидир. Биз ўз тадқиқотимиз давомида компетенциявий ёндашув доирасига кирадиган ва у билан ўзаро алоқадор бўлган тушунчаларни изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Улар: компетенция, компетентлилик, касбий компетентлик, педагогик компетентлик кабилар. Шу билан бир қаторда биз тадқиқотимиз давомида компетентлилик ва тайёрлик, компетенция ҳамда билим, кўникма, малакаларнинг ҳар бири устида фикр юритишга ҳаракат қилдик.

Компетентли ёндашув ягона таълим жараёнини таъминлашнинг концептуал асоси сифатида тақдим этилади. Шунинг учун ҳам у бугунги кунда таълим мазмунини янгилашни тақозо қилмоқда. Ўтган асрнинг 90 йилларидаёқ, компетентлилик тушунчаси, бир томондан янги кашфиётлар ва ишланмаларни

мувофиқлаштириш имконини бериб, инсоннинг билиш фаолияти ва амалий ҳаракатларига тааллуқлидир. Иккинчи томондан эса, ҳар бир синфда педагогик вазият билан боғлиқ ҳолда таълимий талабларни аниқлашга қўмаклашади, деб ёзган эди Н.С.Розов [1].

Ўзбекистонда умумий ўрта таълим тизимини компетенциявий ёндашув асосида ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли [3], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарор[4]лари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, компетентли ёндашув инсоннинг ижтимоий ҳаётга ҳар томонлама тайёрлиги ва тарбияланганлиги билан бир қаторда шахс сифатида шаклланишини таъминлашда инсонпарварлик характериға эга. Инсонпарварлик принципиға асосланган шахсға йўналтирилган таълимнинг мақсади ўқувчиларға муайян соҳада билим, кўникма, малакалар мажмуини тақдим этишдангина иборат эмас, балки уларнинг дунёқараши, лаёқати, креатив фаолияти, мустақил билим олиш кўникмаларини ривожлантиришни ҳам назарда тутди. Шу билан бир қаторда улар онгига инсоний қадриятларни сингдиришға хизмат қилади. Буларнинг барчаси компетентли ёндашувнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

Компетентли ёндашувнинг таянч даражалари таълимнинг бевосита мақсадға йўналтирилганлигида намоён бўлади. Компетенцияда ўқувчиларнинг юқори даражада умумлашган кўникма ва малакалари мужассамлашади. Таълим мазмуни эса тўрт компонентли модел орқали ойдинлашади. Улар: билимлар, кўникмалар, ижодий фаолият тажрибаси ва қадриятли муносабат тажрибасидан иборат [3].

Мутахассислар компетентли ёндашув доирасида иккита таянч тушунчани алоҳида ажратиб кўрсатганлар. Улар: компетенция ва компетентлилик тушунчалари. Педагогик назарияда уларнинг мавжуд жиҳатларини аниқлашға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Компетенцияларнинг шаклланиши ва улар орасидаги ўзаро муносабатлар бунга мисол бўла олади. Олимлар орасида компетенцияларнинг тавсифига доир ягона ёндашув мавжуд эмас. Бир қатор мутахассислар “компетенция” ва

92 “компетентлилик” тушунчалари орасида ўзаро чегара мавжуд эмас, деб ҳисоблайдилар.

А.В.Хуторской ўз тадқиқотларида бундай фарқларни алоҳида ажратиб кўрсатган [5]. Унинг таъбирича, компетенция таълимий тайёргарликка қўйилган ижтимоий талаб сифатида баҳоланади. Компетентлилик эса, муайян компетенцияни ўзлаштириш, эгаллашдан иборат фаолият бўлиб, фаолият предметиға нисбатан шахсий муносабатни мужассамлаштиради. А.В.Хуторскойнинг фикриға кўра, компетентлилик шахснинг сифати ҳисобланади. У инсоннинг муайян компетенцияни эгаллашини тақозо этади. Шу тариқа, компетенция билимлар, кўникмалар, малакалар, фаолият усуллари мажмуи бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисмини ташкил этади. Компетенция муайян нарсалар, жараёнларға нисбатан фаолиятни амалға ошириш учун зарур ҳисобланади. Компетенция - инсоннинг муайян соҳада сифатли фаолият кўрсатиши учун ниҳоятда зарур [6].

И.А.Зимняя компетенцияни муайян ички потенциал, янгидан шаклланган яширин руҳий ҳолат сифатида талқин этади. У инсоннинг компетентлиги доирасиға билимлар, тасаввурлар, алгоритмларни киритиб, фаолият ифодаси сифатида намоён бўлишини таъкидлайди [4].

“Компетенция” ва “компетентлилик” тушунчаларини ўзаро қиёслаб, уларни Ўзбекистон таълим тизимиға хос бўлган “таълим жараёниға қўйилган талаблар”, “таълим натижаларини баҳолаш мезонлари ва таълим даражалари” тушунчалари билан тенглаштириш мумкинлигини изоҳлашға ҳаракат қиламиз. Шуни таъкидлаш керакки, ўзида битирувчи синф ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабларни мужассамлаштирган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари компетенцияларни ифодалайди. Ўқувчиларнинг ўзлари шахсан эришган аниқ кўрсаткичлари эса уларнинг компетентлилик даражасини акс эттиради.

Компетентли ёндашувнинг инсонпарварликка хос жиҳатларини тасдиқлаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, замонавий педагогик парадигма доирасида шахсға йўналтирилган педагогик жараёнда ўқувчиларда таянч ва фанға оид компетенцияларни шакллантиришни тадқиқ этишға йўналтирилган тадқиқотлар педагогика фани ва таълим амалиёти учун алоҳида аҳамиятға эга.

Ушбу муаммонинг долзарблигини таъкидлаган ҳолда Е.В.Бондаревская

компетенцияни шахсий анланган, инсоннинг тажрибасиға синган ҳодиса сифатида баҳолаб, шахснинг билимлари, кўникмалари, малакалари тизимида ўзига хос ўрин эгаллашини кўрсатиб ўтади [4].

Компетентлилик таълимнинг асосий мақсади сифатида намоён бўлади. У фаолиятнинг турли турларини амалға оширишға тайёрликни ифодалайди. Компетенция билим, кўникма, малакалардан тубдан фарқ қилсада, уларни инкор этмайди. Компетенция билимлардан улар фаолият тури ҳақида ахборот бериш билан эмас, балки фаолият турида мавжудлиги билан фарқланади. Компетенция кўникмалардан турли вазиятларда турли-туман топшириқларни ечиш имкониятиға эгалиги билан ажралиб туради. Малакалардан эса компетенция анланганлиги, автоматлашмаганлиги билан фарқланиб, у ўқувчиларға нафақат одатий, балки ностандарт вазиятларда ҳаманиқ ҳаракатланиш имконини беради [6]. Бу шундан далолат берадики, билим, кўникма, малакаларнинг мавқеи таълимнинг асосий ва оралиқ мақсадларига кўчиб, кўзланган натижаға эришиш учун шароит яратади.

Компетентли ёндашув доирасида билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ даражаси билан таълим натижалари ҳамда унинг аҳамиятли жиҳатлари уйғуналашиб, компетенциялар – лаёқатлар мажмуи ҳосил бўлади. Бу эса ўқувчиларға жамият ҳаётиға муваффақиятли мослашиш имконини беради. Компетенциявий ёндашувда жараён марказиға ўқувчи шахсининг ўзи қўйилади, ривожланиш вазиятларида унинг ўрни аниқ намоён бўлади.

Сўнгги йилларда чоп этилаётган илмий манбаларда билим, кўникма, малака ва компетенцияларни бир йўла лойиҳалаштириш ғояси илгари сурилмоқда. Шу асосдан келиб чиққан ҳолда бир қатор ёндашувларни илгари суриш мумкин.

Манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунға қадар “компетенция” ва “компетентлик” тушунчасини тавсифловчи ягона ёндашув мавжуд эмас. Компетенцияларни тушуниш ва тавсифлашда компетенциянинг таълим оловчи шахсига тааллуқлилиги, билим, кўникма, малакаларнинг маҳсули бўлса-да, унинг таркибига кирмаслиги ҳақидаги қараш илгари сурилмоқда. Шу нуқтаи назардан ёндашганда компетенция таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Улар: давлат таълим стандартлари; битирувчи синф ўқувчиларининг тайёргарлик даражасиға қўйиладиган талаблар; билим, кўникма, малакалар мажмуини

ифодаловчи шахсининг тайёргарлигини таъминловчи, уларнинг шахсий тажрибасига кирувчи, улар учун аҳамиятли бўлган меъёрлардан иборат. Компетентлилик эса компетенцияларни эгаллашни англатиб, ўқувчининг билим, кўникма, малакаларни ўзлаштиришга бўлган шахсий муносабати, таълимнинг реал даражасини ўз ичига олади.

Педагогика фанида алоҳида долзарблик касб этаётган муаммолардан бири ўқувчиларда таянч ҳаётий ва фанга оид компетенцияларни ҳосил қилиш жараёнини самарали ташкил этишнинг илмий асосларини яратишдан иборат. Таянч ҳаётий ва фанга оид компетенцияларни эгаллаш натижасида ўқувчиларнинг тайёргарлик даражалари таъминланиб, ижтимоий ҳаётга самарали мослашишлари учун имконият яратилади.

Умумий ўрта таълимнинг компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини татбиқ этиш орқали бир қатор масалаларга ечим топиш тақозо қилинмоқда. Улар:

- умумий ўрта таълим тизимида қўлланилаётган давлат таълимстандартлари ва ўқув дастурларида белгиланган талаблар билан бошланғич синф ўқувчиларида мавжуд бўлган компетенциялар орасидаги бўшлиқни тўлдириш;

- бошланғич синф ўқувчиларига тақдим этиладиган ўқув материалларининг уларда таянч ва фанга оид компетенцияларни ҳосил қилиш имкониятларини кенгайтириш;

- бошланғич синф ўқувчиларининг ҳар бир ўқув предмети доирасида ўзлаштирадиган таянч ва фанга оид компетенцияларни ҳосил қилишга хизмат қиладиган дидактик воситаларни уларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танлаш;

- компетенциявий ёндашувга асосланган бошланғич таълим давлат таълим стандартларини таълим амалиётига татбиқ қилиш механизмлари ва илмий-методик таъминотини такомиллаштиришга эришиш кабилар.

Биз тадқиқотимиз давомида юқорида кўрсатилган бўшлиқларни тўлдириш асосида бошланғич синф ўқувчиларида шакллантирилиши лозим бўлган тўртта таянч компетенцияни ҳаётий компетенциялар сифатида талқин этдик, шунга кўра ҳаётий компетенцияларни ҳосил қилишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш ва синовдан ўтказишга ҳаракат қиламиз.

Биз тадқиқот мақсадига эришиш учун дастлаб компетенциявий ёндашувга асосланган

таълим жараёнини ташкил этишга оид илмий ёндашувларни таҳлил қилдик.

Ю.Г.Татурнинг таъбирича: компетенциявий ёндашув инсоннинг муаммоларни тушунган ҳолда ўз имкониятлари доирасида кутилаётган натижаларни тасаввур эта олиш ва уларга эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракатларни баҳолай олиш, фаолиятни қийинлаштираётган сабабларни ва уларни бартараф этиш восита ҳамда йўллари топиш орқали муваффақиятли ижодий фаолият юрита олиш лаёқатидир [5].

А.В.Хуторскийнинг фикрича, компетенция ўқувчи учун истикболдаги фаолиятининг аниқ йўналиши ҳисобланади [5]. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда компетентли фаолиятнинг муайян таркибий қисмлари ҳосил қилинади. Жумладан, дастлабки ҳисоблаш кўникмалари, рақамларни идрок этиш, уларни ўзаро қўшиш ва айириш каби. Ўқувчи компетенцияларни, биринчи навбатда, ўқув фаолиятини самарали амалга ошириш, иккинчидан эса, муваффақиятли ижтимоийлашиш, яъни истикболдаги ижтимоий фаолиятга тайёр бўлиш мақсадида эгаллайди. Шунинг учун ҳам компетенциялар ижтимоий-педагогик характерга эга.

Компетенциявий ёндашув тизимли-фаолиятли ёндашувни амалга оширишни тақозо қилиб, унинг доирасида ўқитувчи ўз педагогик фаолиятини ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришга йўналтиришига зарурият кучаймоқда. Чунончи: ўқувчиларни мустақил билим олиш ва мустақил ривожлантиришга йўналтириш;

билим олишда тушунишга қараб бориш; таълим натижасига нисбатан нуктаи назарнинг ўзгариши: анъанавий билим, кўникма, малакалардан замонавий билим, тушуниш ва компетеницияларга ўтишни англатади;

ўқув диалогининг муҳимлигини тушуниб этиш кабилар.

Бугунги таълим тизими учун характерли бўлган хусусиятлардан бири ўқувчилар эгаллаган билимларни фаоллаштиришдан иборат. Бунинг учун ўқувчиларга муайян фаолият турларини эмас, балки уларда билимларни узлуксиз эгаллаш кўникмалари, малакалари ва улардан ҳаётий фаолиятнинг турли вазиятларида фойдаланиш лаёқатини шакллантириш заруриятга айланмоқда.

Замонавий таълим модели бошланғич таълимга қадриятли ёндашишни таъминлаш учун асос бўлиши лозим. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор қаратилади:

муаммоларни фаол ечишга ўтиш;

мураккаб ҳаётий вазиятларни ўқув предметлари алоқадорлик асосида ечишга эътибор қаратиш;

билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ҳамкорлигини амалга ошириш;

ўқувчиларнинг таълим мазмуни ва методларини танлашда фаол иштирок этишларини таъминлаш кабилар.

Шунинг учун ҳам ўқувчиларда таълимий компетенцияларни шакллантиришга аниқ йўналиш олиш учун билим, кўникма, малакаларни аниқ ҳаётий шароитларда қўллаш вазиятларини танлаш лозим. Шунга кўра, ўқув дастурида амалий йўналишдаги машғулотларнинг мавзуларини кўпайтириш, ўқувчиларнинг лойиҳалаш фаолиятларига кенг йўл очиш талаб қилинади.

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда таянч ҳаётий ва фанга оид компетенцияларни

ҳосил қилиш ўзига хос педагогик жараёни ташкил этишни тақозо қилади. Бу жараёнда ўқувчиларнинг педагогик, психологик, ёш хусусиятларини алоҳида ҳисобга олиш лозим.

Бошланғич синфларда ўқувчиларни маҳсулдор фаолиятга жалб этиб, ДТСда белгилаб қўйилган таянч ҳаётий ва фанга оид компетенциялар билан қуроллантириш мақсадида ижодий-когнитив характердаги ўқув материалларини тақдим этиш талаб қилинади. Шу аснода ўқувчиларда математик ҳисоблашга оид ахборотларни ўзлаштириш жараёнида таянч ҳаётий ва фанга оид компетенциялар ҳосил қилинади. Бу жараёнда, айниқса, коммуникатив, ўзини ўзи ривожлантириш, ижтимоий-эмоционал ва фуқаролик компетенцияларни шакллантириш асосида таянч компетенциялар шаклланади.

Адабиётлар

- 1.Бобиенко О.М. Теоретические подходы к проблеме ключевых компетенций [Электронный ресурс] // Бобиенко О.М.. – Режим доступа: <http://www.tisbi.ru/science/vestnik/2003/issue2/cult3.php>.
- 2.Борисов П.П. Компетентностно-деятельностный подход и модернизация содержания общего образования // Борисов П.П. // Стандарты и мониторинг в образовании. – 2003. – № 1. – С. 58-61.
- 3.Ефремова Н.Ф. Формирование и оценивание компетенций в образовании: моногр. - Ростов н/Д: Аркол, 2010. - 386 с.
- 4.Пардаева М. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини компетенциявий ёндашув асосида жорий этиш самарадорлиги: муаммо ва ечимлар – “Мактаб ва ҳаёт” ж. – Тошкент, 2018. - №3. – Б.88-89.
- 5.Хуторской А. Образовательные компетенции в дидактике и методике личностно-ориентированного обучения [Текст] // А.Хуторской // Известия МСАО. - 2003. - № 2. - С. 167-171.
- 6.Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированного образования // «Народное образование». – Москва, 2003. - №2. – с.60-64.
- 7.Хуторской А.В. Технология проектирования ключевых и предметных компетенций // Интернет-журнал “Эйдос”. - 2005. - 12 декабря. <http://www.eidos.ru/journal/2005/1212.htm>. - В надзаг: Центр дистанционного образования "Эйдос", e-mail: list@eidos.ru.